

"ИККИ ЭШИК ОРАСИ" РОМАНИДА ЗАМОН ҚАҲРАМОН МУНОСАБАТЛАРИНИНГ БАДИЙ ТАЛҚИНИ

Камилов Миразиз Муродулла ўғли

Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг 3- курс талабаси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7424068>

Аннотация. Уибу мақолада "Икки эшик ораси" романида замон қаҳрамон муносабатларининг бадиий талқини муаммосига илмий ёндашув аасосида муроҳазалар билдирилган. Уруши даври тасвирланган кўплаб асарлар ўтмишида халқимиз бошига тушиган оғир синовли кунлар ҳақида сўзлайди. Истеъододли адаб Ўткир Ҳошимовнинг "Икки эшик ораси" романида ҳам уруши тасвири, оддий халқ ҳаёти, персонажлар ички кечинмалари юқори маҳорат билан тасвирланади. Унда ўзбек халқининг бағрикенглиги, самимий инсоний туйгуларга эгалиги акс этади.

Калим сўзлар: истеъодод ва талант, совуқ уруши, фидокорлик, меҳнаткаш халқ, мафкуравий таъсир, уруши асоратлари, инсон руҳияти, "ўзбеклар иши".

ХУДОЖЕСТВЕННОЕ ОСМЫСЛЕНИЕ ВЗАИМООТНОШЕНИЙ ПЕРСОНАЖЕЙ ПЕРИОДА В РОМАНЕ «МЕЖДУ ДВУХ ДВЕРЕЙ»

Аннотация. В данной статье на основе научного подхода представлены комментарии к проблеме художественного осмысления отношений современных героев в романе «Между двумя дверями». Многие произведения, изображающие военный период, рассказывают о тяжелых испытаниях, выпавших на долю нашего народа в прошлом. В романе талантливого писателя Откира Гашимова «Между двумя дверями» с высоким мастерством изображены образ войны, жизнь простых людей, внутренние переживания героев. Он отражает толерантность и искренние человеческие чувства узбекского народа.

Ключевые слова: талант и дарование, холодная война, самопожертвование, трудолюбивый народ, идеологическое влияние, осложнения войны, человеческая психика, «узбекский труд».

ARTISTIC INTERPRETATION OF THE RELATIONSHIP BETWEEN THE CHARACTERS OF THE TIME IN THE NOVEL "BETWEEN TWO DOORS"

Abstract. In this article, comments on the problem of artistic interpretation of contemporary hero relationships in the novel "Between Two Doors" are presented based on a scientific approach. Many works depicting the war period talk about the difficult ordeals that befell our people in the past. In the novel "Between Two Doors" by the talented writer O'tkir Hashimov, the image of war, the life of ordinary people, and the inner experiences of the characters are depicted with high skill. It reflects the tolerance and sincere human feelings of the Uzbek people.

Keywords: talent and talent, cold war, dedication, hardworking people, ideological influence, complications of war, human psyche, "the cause of the Uzbeks."

КИРИШ

Аввалимбор, бугунги кунгача нафақат адабиётшунос олимлар, балки кенг китобхонлар оммасига бирдек манзур бўлиб келаётган ўша машхур асарнинг яралишида сабабчи бўлган инсон ҳақида икки оғиз сўз. Ўткир Ҳошимов адабиётга мисоли чақнаган юлдуздек кириб келди. Унинг ижоддаги илк қадамлариданоқ йирик адабиётшунос

устозларининг назарига тушиши бежиз эмас. Адиб ижодининг асосий устуворлик фарқи асарларидағи бош мавзу инсон тақдиди, руҳияти, ўй-хаёллари, ички кечинмаларини моҳирона тасвир орқали китобхонга етказишидадир.

АСОСИЙ ҚИСМ

Бундан ташқари, муаллиф даврнинг долзарб ижтимоий муаммолар талқини билан параллел ҳолда қаҳрамонлар ички кечинмаларидағи нафис жараёнларни бетакрор тасвиirlар орқали ифода этарди. Тадқиқимиз остидаги мазкур асар “Икки эшик ораси” том ма'нода инсон умрининг нечоғлик қисқалигини, бир эшиқдан кириб бошқасидан чиқиб кетаётгандар тақдирини қаламга олади. Асарни адиб ижодининг энг етуклик босқичи бошланган дамда яралди дейиш мумкин. Адиб қаламга олган персонажларга адабий қаҳрамон сифатида эмас, балки ўз тақдирига эга жонли одам деб қарайди. “Ёзувчининг ўзбек вакиллари бўлмиш китобхонларга қаҳрамонларни ҳис туйғулари ўйлари кечинмалари, ҳатти-ҳаракатларини мустақил баҳолаш имконини қолдиради” [1].

Асарда ўз даврининг муҳим воқеалари акс эттирилиши ўша йиллар турмуш тарзига муносабат билдирилиши муаллифнинг кенг дунёқарашга эга эканлигини исботлайди. Романнинг асосий қаҳрамонлари ижтимоий тузум сабаб руҳиятидаги таназзулларга қарамай иккинчи жаҳон уруши кулфатларини елкасида кўтарган, унда мардана ғолиб чиққан, миллий рух ва ўзбекона бағрикенгликка эга бўлган кишилардир.

Қисқа қилиб айтганда, асарда бутун ўзбек халқининг уруш йилларидаги фидокорлиги, меҳр-оқибат, вафо ва садоқат туйғулари ўзининг бадиий ифодасини топган. Романнинг асосий қаҳрамонларидан бири Музаффар қиёфасида уруш даврида баъзи қийинчиликларни бошдан ўтказган, 70-йилларга келиб ҳаёт тарзи анчайин яхшиланган ёшлар тимсоли берилади. Музаффарнинг қисмати бирмунча мураккаброқ тасвиirlанади. Аввал она меҳри нималигини билмай улғаяди. Буни, айниқса, “Дўппидек инда учта чумчук боласининг боши кўриняпти. Катта чумчук учиб келиши билан уччала боласи сапсариқ тумшуғини катта очиб, баравар чирқиллайди. Аммо дадаси ҳеч адашмайди. Ҳаммасига галма-галдан овқат беради. Ийе, дадаси иккита экан-ку! Биттаси учиб кетиши билан иккинчиси келяпти, болаларига навбат билан овқат улашишяпти. Бундан чиқди, биттаси-дадаси, биттаси-аммаси!” [2]. Олинган парчада китобхонни юраги жумбушга келмай иложи йўқ. Хўш, бунда ким айбор? Урушга отасини қон йиғлаб кузатганонаси Раъноми? Ёки урушдан қайтгач ор-номус ва оғир хиёнатни кўтара олмаган Шомуродми...Балки, ўша машъум уруш бўлмаганда аслида ҳаммаси бутунлай бошқача бўларди...Балки асарда қўпчилик ўз бахтини топган бўларди...Жондан суйган инсони Мунавварнинг эса кун келиб эмикдош чиқиши – Музаффар руҳиятидаги ҳақиқий даҳшат эди.

Романда қизалоқ Робиянинг ҳикояси она Робиянидан кескин фарқ қиласи. Унинг жуда меҳнаткашлиги ва вафодорлиги китобхонни ҳаяжонга солади. Кун давомида нозик жуссасига бақувват эркакларнинг юкини мардана ортиб трактор ҳайдаши, оғир меҳнатдан кейин ҳам уйга келиб кир ювиши, ўзига оро беришга куч топиши, яна жондан ортиқ инсони учун кашта тикишга ҳам вақт ажратганлиги уни асардаги энг матонатли, иродали қаҳрамонлардан бири эканлигини таъкидлайди. Робияни Кимсан акасига бўлган самимий муҳаббати унга чинакам куч бағишлийди. Кимсан образи чуқур ачиниш, қайғу уйғотади. 6 фарзанддан айрилган ота-она учун Кимсан ёлғиз умид эди. Юртга совуқ уруш хабари келиши биланоқ биринчилардан бўлиб, эл-юрт учун камарбаста бўлсин деб жанг

майдонига жўнатилади. Бу ўзбек халқига азал-азалдан хос бўлган юксак инсоний туйғуларга эга қаҳрамон образи эди. Кимсан ва у каби ўзбекнинг мард, жасур ўғлонлари тақдири, ҳали бирор-бир орзуси ушалмай туриб умрининг энг гуллаган даврини даҳшатларга тўла жанг майдонида ўтказади.

Умар закунчи. Бу образ асарга ўзгача мазмун бериб, мураккаблик, яъни тугун ҳосил бўлишида сабаб бўлган. Бир вақтнинг ўзида халқ билан ҳамнафас, хушчақчақ, қўли очиқ таассурот қолдирса, яна бир ўринда қамчисидан қон томадиган раҳбарга айланади. Қай йўсинда бўлса ҳам китобхон қалбida Умар закунчи учун нафрат гуркираб оловланади. Аммо танганинг иккинчи томони бўлганидек, ҳар бир қаҳрамоннинг ўз ҳақиқати, қалбини ларзага солган кечинмалари бор... Закунчи қилган гуноҳ, нопок ишларидан, оддий одамларни бошига солган кўргуликларидан хурсанд бўлиб дили яйрамайди, албатта, виждони қийналган онда ички “мен”и айбни дарров ўзгаларга тўнкашга ундайди. Биз бу билан закунчини оқлашдан йироқмиз.

Таҳликали замонда эрини урушга кузатган ёш келинни катта ҳовлида ёлғиз қолдирмай, Қора амма уйига бирга яшашга таклиф қилиши мумкин эди. Ҳар ҳолда жигарининг ҳалоли эди. Ёлғиз ўзини қолдириш мантиққа тўгри келмайдиган ҳолат бўлган. Тўғри, бу билан Раъононинг гуноҳларида атрофдагилар айбдор эмасдир. Лекин ҳар қандай бадбахтликни туб илдизига назар солинса, замон, макон, имкониятлар уни шунга мажбур қилган бўлиши мумкин деган фикр уйғонади. Асли инсонга хос бўлган туйғу бор. Кимлардир бошига кулфат келса иймонини йўқотмай муносиб хулоса чиқаради. Яна кимлардир иродасизлик, онги пастлик қиласи ва тузумдан, ўзгалардан айб қидиради. Қийинчилик бўлган сари қалби кирланиб, тубанлашиб кетаверади. Инсонни қай йўлни танлаб ундан кетиши қалбидаги яхшилик ва ёвузлик кучларига боғлиқ. “Шу ўринда Ўткир Ҳошимовнинг ақл-заковатига, қаҳрамонларини яратиш ва сўз қўллаш маҳоратига қойил қолмай илож ўйқ. Таъкидлаш жоизки, қобилият ҳам, истеъодод ҳам, талант ҳам, даҳолик ҳам Аллоҳнинг иноятидир. Шу хислат эгаларининг меҳнатларига яраша яратилган мўжизакорликдир. Қобилиятли ва истеъододли инсонларсиз, талант ва даҳоларсиз жамият ҳам, инсоният ҳам истиқболини яратади” [3].

Адибнинг “Тушда кечган умрлар” романи ҳам ана шундай юксак истеъодод маҳсули бўлиб, роман композитсияси, қаҳрамонлар тақдири китобхонда асарга катта қизиқиши ўйғотади. Инсон ички оламидаги жумбоқлари, асосан, ички монологлар тасвирида очиб берилган. Китобхонга 30-йилларнинг машъум қатағон даври ва “ўзбеклар иши” орқали ҳалқимиз бошига тушган қора ўтмишни сўзлайди. Аввал армияга борган Рустам кейинчалик афғон урушига жўнатилади. Роман Рустамнинг кундалик саҳифаларидан жой олган қалб кечинмалари тасвиридан бошланади ва афғон уруши туфайли руҳиятидаги ўзгаришлар, характеристидаги асабийлик, бетоқатлик бевосита унинг шахсий ҳаётига – муҳаббатига таъсир этади. Аслида, меҳрибон ва самимий, жасур ва ҳақгўй бўлган Рустамни аёвсиз уруш хотиралари ўз домига тортган эди. Рустам ва Шаҳнозанинг самимий муҳаббати, қуролдошлари Хайриддин ва Темурга бўлган муносабати, даврининг пасткаш ва тубан кишилари – Комиссар ва Соат Фанийевдек умрининг сўнгидаги ҳам зигирча пушаймон бўлмай, бутун умр қабих ишларида ўзларини ҳақ деб биладиган кимсалар тасвири, Курбоной хола каби ҳаёти худди тушда ўтаётгандек туюлган персонажлар образи моҳирона тасвирланган.

Уруш даври акс этган асарлар билан танишар эканмиз, қалбимизда халқимизга бўлган фаҳр-ифтихор туйғулари билан бирга, ўтган тарихдаги оддий одамларга бўлган ачиниш ҳисси уйғонади. Тоғай Муроднинг “Отамдан қолган далалар” романидаги ҳам шунга ўхшаш ҳолатларга тушган китобхон бугунги тинч ва осойишта кунимиз учун яратганга шукроналар айтади. 130 йиллик қора ва чиркин ўтмиш уч авлод тасвири орқали акс этган ушбу асарда давр воқеалари инсон руҳиятидаги, онгидаги таназзуллар, совуқ уруш қолдирган асоратлар, ҳукмдор мафкуранинг халқни бошига солган ноҳақликлари каби бир қатор воқеа-ҳодисалар тасвирланган.

ХУЛОСА

Хуллас, мулоҳазаларимиз сўнгидаги айтмоқчимизки, давр инсонларининг мураккаб тақдирини маромига етказиб тасвирланган “Икки эшик ораси” романи бугунги кунда ҳам катта тарбиявий аҳамиятга эга. Гарчи муаллиф уруш даврини бошидан ўтказмаган, ундаги даҳшатга тўла манзараларни кўзи билан кўрмаган бўлсада, воқеа-ҳодисалар, персонажларни ички руҳий кечинмаларини жонлидек тасвирлайди. Китобхон асарни ўқиши жараёнида қаҳрамонлар билан бирга яшайди. Кулса кулади, қайғуга ботганда улар билан қўшилиб йиғлади. Роман ўзбек халқи ўтмишининг энг оғир қора кунларини очиб бериши, қалби гўзал, ма'навий дунёси бой қиёфаларни кўрсатиши билан юқори мавқега эгадир. Асарда бош қаҳрамон Музффарми ёки Шомурод, Робиями ёки Қора амма! Менимча, уларнинг ҳар бири. Яъни халқ! Муаллифнинг бир қатор асарларини асосий мавзуси уруш ва у қолдирган оғриқли асоратлар. Худдики, бу билан келажак авлодни доимо тинчликда яшашга ундаётгандек бўлади. Урушда баҳтли ҳам баҳтсиз ҳам, ғолиб ҳам мағлуб ҳам бўлмайди. Тоғри ғолиб томон қандайдир бойликларга эга бўлиши мумкинdir, лекин бу бойликларнинг ҳеч бири норғул забардаст йигитларнинг жонига, оналарнинг фарзанд доғида ёнишига, ёш жувонларнинг жуда эрта бева қолишига, болалик даврини суролмаган фарзандларнинг етим қолишига арзимайди... Ёзувчи ана шундай оғатлардан дунёни доимо асрараш кераклиги ҳақида уқтиргандек бўлади.

REFERENCES

1. Йўлдошев, Қ. (2006). Ёниқ сўз. Тошкент: Янги аср авлоди.
2. Ҳошимов, Ў. (2019). Икки эшик ораси. Тошкент: Илм-зииё-заковат.
3. Умиров, Ҳ. (2013). Таҳлил чизгилари. Тошкент: Мухаррир.
4. Холикова, Н. (2020). Ўзбек мумтоз адабиётида хотин-қизлар образининг бадиий тадрижи (Ширин образи мисолида). *Academic research in educational sciences*, (3).
5. Kholikova, N. D. (2020). The genesis and poetic evolution of character Shirin. *Alisher Navoi and the XXI century*.
6. Djokhongirovna, K. N. (2020). The period of national awakening in uzbek poetry echo of the treasure voice of the nation. *International Journal of Psychosocial Rehabilitation*, 24(6), 4045-4054.
7. Холикова, Н. (2020). 9-синф адабиёт дарсида ширин образини генезисига кўра ўрганиш. *Science and Education*, 1(Special Issue 2).
8. Kholikova, N. (2020). POETIC FEATURES OF UZBEK POETRY OF THE NATIONAL AWAKENING PERIOD. *Theoretical & Applied Science*, (4), 615-623.
9. Usmonov M. T. The Concept of Compatibility, Actions on Compatibility. International

Journal of Academic Multidisciplinary Research (IJAMR), Vol. 5 Issue 1, January - 2021, Pages: 10-13.

10. Usmonov M. T. The Concept of Number. The Establishment of the Concept of Natural Number and Zero. International Journal of Academic Information Systems Research (IJAISR), Vol. 4 Issue 12, December - 2020, Pages: 7-9.
11. Usmonov M. T. The Concept of Compatibility, Actions on Compatibility. International Journal of Engineering and Information Systems (IJE AIS), Vol. 4 Issue 12, December - 2020, Pages: 66-68.
12. Usmonov M. T. General Concept of Mathematics and Its History. International Journal of Academic Multidisciplinary Research (IJAMR). Vol. 4 Issue 12, December - 2020, Pages: 38-42
13. Usmonov M. T. Asymmetric Cryptosystems. International Journal of Academic Engineering Research (IJAER) ISSN: 2643-9085 Vol. 5 Issue 1, January - 2021, Pages: 6-9.
14. Usmonov M. T. Basic Concepts of Information Security. International Journal of Academic and Applied Research (IJAAR) ISSN: 2643-9603 Vol. 5 Issue 1, January - 2021, Pages: 5-8.
15. Usmonov M. T. Communication Control Systems, Methodology. International Journal of Academic Engineering Research (IJAER) ISSN: 2643-9085 Vol. 5 Issue 1, January - 2021, Pages: 47-50.
16. Usmonov M. T. Compatibility between the Two Package Elements. Binar Relations and Their Properties. International Journal of Academic Multidisciplinary Research (IJAMR) ISSN: 2643-9670 Vol. 5 Issue 1, January - 2021, Pages: 52-54.
17. Usmonov M. T. Cryptographic Protection of Information. International Journal of Academic and Applied Research (IJAAR) ISSN: 2643-9603 Vol. 5 Issue 1, January - 2021, Pages: 24-26.
18. Usmonov M. T. Electronic Digital Signature. International Journal of Academic Pedagogical Research (IJAPR) ISSN: 2643-9123 Vol. 5 Issue 1, January - 2021, Pages: 30-34.
19. Usmonov M. T. "Equal" And "Small" Relations. Add. Laws Of Addition. International Journal of Academic Information Systems Research (IJAISR) ISSN: 2643-9026 Vol. 5 Issue 1, January - 2021, Pages: 27-29.
20. Usmonov M. T. Establish Network Protection. International Journal of Academic Engineering Research (IJAER) ISSN: 2643-9085 Vol. 5 Issue 1, January - 2021, Pages: 14-21.
21. Usmonov M. T. Fundamentals of Symmetric Cryptosystem. International Journal of Academic and Applied Research (IJAAR) ISSN: 2643-9603 Vol. 5 Issue 1, January - 2021, Pages: 36-40.
22. Usmonov M. T. General Concepts of Mathematics. International Journal of Academic Information Systems Research (IJAISR) ISSN: 2643-9026 Vol. 5 Issue 1, January - 2021, Pages: 14-16.
23. Usmonov M. T. Identification and Authentication. International Journal of Academic Pedagogical Research (IJAPR) ISSN: 2643-9123 Vol. 5 Issue 1, January - 2021, Pages: 39-47.
24. Usmonov M. T. Information Protection and Its Types. International Journal of Academic and Applied Research (IJAAR) ISSN: 2643-9603 Vol. 5 Issue 1, January - 2021, Pages: 1-4.

25. Usmonov M. T. Information Protection in Wireless Communication Systems. International Journal of Academic Pedagogical Research (IJAPR) ISSN: 2643-9123 Vol. 5 Issue 1, January - 2021, Pages: 61-64.
26. Usmonov M. T. Information protection supply. International Journal of Academic and Applied Research (IJAAR) ISSN: 2643-9603 Vol. 5 Issue 1, January - 2021, Pages: 12-15.
27. Usmonov M. T. Information Security Policy. International Journal of Academic Pedagogical Research (IJAPR) ISSN: 2643-9123 Vol. 5 Issue 1, January - 2021, Pages: 70-73.
28. Usmonov M. T. Information War. International Journal of Academic and Applied Research (IJAAR) ISSN: 2643-9603 Vol. 5 Issue 1, January - 2021, Pages: 79-82.
29. Usmonov M. T. International and National Legal Base in the Field Of Information Security. International Journal of Academic Pedagogical Research (IJAPR) ISSN: 2643-9123 Vol. 5 Issue 1, January - 2021, Pages: 7-14.
30. Usmonov. M. T. ., & Qodirov. F. E.. (2022). *FURE QATORI VA UNING TADBIQLARI. IJTIMOIY FANLARDA INNOVASIYA ONLAYN ILMIY JURNALI*, 21–33. Retrieved from <http://www.sciencebox.uz/index.php/jis/article/view/1152>
31. Usmonov. M. T. ., & Qodirov. F. E.. (2022). STOKS FORMULASI. SIRT INTEGRALLARI TADBIQLARI. *IJTIMOIY FANLARDA INNOVASIYA ONLAYN ILMIY JURNALI*, 34–45. Retrieved from <https://sciencebox.uz/index.php/jis/article/view/1153>
32. Usmonov Maxsud Tulqin o'g'li. (2022). *FURYE QATORI. FUNKSIYALARNI FURYE QATORIGA YOYISH*. <https://doi.org/10.5281/zenodo.6055125>